УДК 371.33

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИЙ МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН-ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШУВ

Ш.Ж. Юсупова, Ш.А. Халикова

Мақолада ўқувчиларнинг нутқий мулоқот компетентлигига эришишда интерактив методларнинг аҳамияти самарали йўллардан бири эканлиги ёритилган. Уларнинг мустақил фикрлаши ва фикрини эркин баён қилиш кўникмасига ижобий самара берувчи "Импровизация" деб номланган ўйин методи келтирилган. Бунда ўқувчиларни оммавий жалб қилиш, фикрлаш қобилиятларини янада ошириш, ҳозиржавобликка ундаш, диққатни жамлаш, яхши тингловчи бўлишга одатлантириш, ҳар қандай мавзуга оид субъектив муносабатларини бериш мақсад қилинади.

Калит сўзлар: *нутқ тадбиркорлиги, мулоқот маданияти, коммуникатив, интерактив, перцептив, компетенция, импровизация*.

В статье подчеркивается важность интерактивных методов как одного из эффективных способов достижения учащимися компетенции устного общения. Представлен игровой метод под названием «Импровизация», положительно влияющий на их самостоятельное мышление и умение свободно его выражать. Цель состоит в том, чтобы привлечь студентов, улучшить их мыслительные навыки, побудить их присутствовать, сконцентрироваться, привыкнуть быть хорошими слушателями и иметь возможность высказать свое субъективное отношение к любой теме.

Ключевые слова: *речевое предпринимательство, культура общения, коммуникативный, интерактивный, перцептивный, компетентность, импровизация.*

Кириш

Бугунги давр нуқтаи назаридан мулоқот одоби, нутқ масъулияти, сўзлашиш маданияти ва бу жараёнлар самарадорлигини ошириш каби масалалар тилшуносликнинг ҳам, педагогиканинг ҳам асосий муаммосига айланган. Натижада тил ва шахс муштараклиги (антропоцентризм) билан боғлиқ масалаларни тилшунослик фани ўрганса, муайян нутқий вазиятда ўқувчиларнинг тилдан оқилона ва самарали фойдаланиш компетенцияси билан шуғулланиш она тили таълимининг долзарб масалаларидан бири саналмоқда. Жумладан, таълим сифатини ошириш бажарилиши муқаррар бўлган вазифаларнинг энг муҳим омилига айланган. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи *ренессанс* пойдеворини яратишни асосий мақсад қилиб белгилаганлиги таълим соҳасига алоқадор бўлган ҳар бир шахсни бефарқ қолдирмаслиги керак. Бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар мактабгача таълим ташкилотларидан тортиб умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятларига қадар таъсир этади.

Шундай экан, умумтаълим мактаблари ҳамда олийгоҳларда таълим сифатини ошириш, она тилини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш, айниқса, талаба ва ўқувчиларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш зарур масалалардан биридир.

Материал ва методлар

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг нутқий мулоқот компетенциясини ривожлантириш юзасидан билдирилган фикрлар А.Қ.Ғуломов, Б.Ш.Қобиловаларнинг "Нутқ ўстириш машғулотлари" китоби ҳамда И.Қаҳҳоровнинг "Нотиқлик санъати 170 маслаҳат" китобларидаги назарий маълумотларга таянилди. Муаммони ўрганишда кузатиш, қиёсий таҳлил, диагностик (сўров), тажриба-синов, методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Маълумки, ҳар бир болада мулоқот жараёнида ўз нутқига ва нутқнинг тил элементларига онгли ва ихтиёрий муносабатда бўлишни амалга ошириш, талаффузининг тўғрилигига эътибор қаратиш умумтаълим мактабларидаги она тили дарсининг муҳим вазифаларидан биридир. Мулоқотни тўғри амалга ошириш учун нутқ тадбиркорлигидан унумли фойдаланишимиз керак. “Нутқ тадбиркорлигини сингдириш мактабда она тили машғулотларининг бош вазифасидир. Шунинг учун биринчи соатдан бошлаб охирги машғулотгача она тили дарслари ўқувчиларда нутқ тадбиркорлигини тарбиялашга хизмат қилиши керак” [1. Б. 3].

Ҳар бир фанни ўзлаштириш, аввало, она тилимиз орқали амалга ошади. Ҳаттоки оила даврасида бўладими ёки жамоат жойидами, ҳар бир инсон ўз она тилида мулоқот қилишга эҳтиёж сезади. Айнан кишининг муомаласи, нутқ маданияти ўша шахс учун маълум баҳо берилишига сабаб бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, бошқа фанлардан ўқувчи билимини баҳолаш мезони турли хил тарзда акс этиши мумкин. Масалан, математика фанида, энг муҳими, берилган мисол ёки масаланинг тўғри ечимини топиш, кимёда эса элементларнинг реакцияси амалда қандай бўлишини билиш билан ёки ижтимоий фанларни олсак, тарих фанида воқеликларни хотирада сақлаб қолиш, иқтисод фанида эса инсон ҳаёти фаолиятида эҳтиёжларидан келиб чиқиб, чекланган ресурсларни танлай билиш билан белгиланади. Бироқ буларнинг барчасини ўзлаштиришдан аввал дастлабки ва энг кўп сезги аъзолари (қулоқ, кўз, оғиз, қўл) иштирокида амалга ошадиган она тили фанини пухта эгаллаш доимо асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Ўқувчига ўзбек тилини ўқитиш орқали шу тил бўйича эгалланадиган нутқий фаолиятнинг асосий тўрт тури: нутқни тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш кўникмалари бўйича ҳар бир синфда ўзлаштириши керак бўлган малака-талаб меъёрини ривожлантириш, бунда ўқиш ҳамда меҳнат жараёнида, оилада, жамоат жойларида юзага келадиган турли нутқий вазиятларда мустақил равишда фикр алмаша олиш, эшитилган материални идрок этиш, шунингдек, ёзма манбаларни ўқиш орқали ахборот олиш, воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш тарзида мулоқотга кириш малакасини эгаллаб бориш динамикаси назарда тутилади [2. Б. 5]. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда она тили ва адабиёт фани юзасидан ўзлаштирилган билимни аниқлашга қаратилган она тили ва адабиёт фанларидан миллий тест тизими учун тест спецификацияси ҳам жорий этилди.

Демакки, таълим масканларида она тили дарсларида, энг аввало, ўқувчиларнинг нутқий мулоқот компетенциясига алоҳида аҳамият қаратилмоғи лозим бўлади. Бу борада компетенциявий таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Компетенция (лотинча сўз бўлиб, “эришаман”, “тўғри келаман” маъноларини билдиради) – субъектнинг мақсадни қўйиш ҳамда унга эришиш учун ташқи ва ички захираларни самарали амалга оширишга тайёргарлиги, бошқача қилиб айтганда, бу субъектнинг муайян фаолият объекти билан боғлиқ муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга доир шахсий қобилиятидир [3. Б. 8]. Сўнгги йилларда она тили таълимида компетентлик, компетенциявий ёндашув каби атамалар кенг қўлланилмоқда. Шуни айтиш мумкинки, она тили ўқитишда лаёқатлиликнинг бир қирраси нутқий компетентликдир. Шундай экан, умумтаълим мактаби ўқувчилари нафақат она тилини ўзлаштиришда, балки бошқа фанларни ўзлаштиришда, кейинчалик касбий фаолияти доирасида ҳам, энг аввало, нутқий компетентликка эга бўлиши лозим.

Нутқий компетентлик деганда, асли ўзлаштирилган билимнинг мукаммал ва етук ифодаси сифатида қараш мумкин. Яъни:

а) мустақил фикрлай олиш;

б) ўз фикрини она тилида равон, тушунарли, аниқ ва лўнда ифодалай олиш;

с) адабий тилда сўзлаш;

д) ёзма нутқ саводхонлигини яхши ўзлаштирган ҳолда имловий, ишоравий ва услубий хатоларсиз ёза олиш;

е) хорижий тилларни билиш ва ҳоказо.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – бу ўқувчиларда аввалдан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларидан мулоқот жараёнларида, ижтимоий фаолиятининг турли вазиятларида амалда фойдалана олиш нуқтаи назаридан бериладиган таълимдир. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълимдан мақсад эса ўқувчини кенг қам-

ровли фикр-мулоҳаза юритадиган ва мулоқотга кириша оладиган баркамол шахс қилиб етиштиришдир [4. Б. 12].

Компетенциянинг турлари жуда кўп. Бироқ нутқий мулоқот компетенциясини ривожлантириш ҳамон долзарб масала бўлиб келмоқда. Чунки яхши нутқ ва самарали мулоқот инсонларнинг жамиятда мустақил шахс сифатида ўз ўрнини топиши, ахборотларни тўғри идрок этиши ва айни пайтда, ўзаро муносабатларда фикрни аниқлик, тушунарлилик принципи асосида ифодалашнинг муҳим воситасидир. Бу эса умумтаълим мактаби ўқувчилари учун аҳамиятли саналади.

“Сўзлашни биладиган ҳар бир инсон нотиқликни ҳам, албатта, уддалайди... Бунинг учун фикрлаш ва гапириш услуби устида узоқ ва давомли машқ қилиш лозим. Кўпгина олимлар борки, уларнинг илмлари чиндан-да бисёр, аммо уни оммага кўнгилдагидек етказа олмайдилар. Аммо кутилмаганда уларнинг қўлига нотиқлик санъати ҳақида бирор қўлланма тушиб қолса-чи?! Улар дарҳол бу илмни ҳам ўзлаштириб оладилар. Чунки уларда илмий салоҳият, қобилият бор! Уларга фақат йўлланма кўрсатилса, бас” [5. Б. 3].

Бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Бу жараёнда ўзбек тилининг аҳамияти юқори чўққиларга чиқиши ҳам бежиз эмас. Айниқса, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, ёш авлод учун хорижий тиллар, ахборот ва коммуникация технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллашни таъминлаш, ҳатто ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш каби бир-биридан муҳим вазифалар кун тартибига қўйилди ва бу жараёнлар бугун ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Халқимизда “Она тили – бу миллатнинг руҳидир” деган ҳикмат бор. Тил миллат кўзгуси, унинг ғурури, тафаккури манбаидир. Абдулла Авлоний ёзганидек: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” [6]. Бу борада профессор Н.Улуқовнинг ҳам қуйидаги фикрлари мавжуд: “Англашиладики, она тили – инсоннинг мавжудлиги асоси, тамал тоши. Инсон она тилиси билан тирик. Шу боис мактаб, академик лицей ва коллеж ўқувчисида, олий ўқув юрти талабасида лингвистик компетентликни шакллантириш, аввало, она тилининг муқаддасу мўътабарлигини, азизу мукаррамлигини уқтиришдан бошланмоғи ва уни таълим олувчининг ёш хусусиятига кўра ривожлантириб борилмоғи керак” [7. Б. 8].

Шу ўринда айтиш мумкинки, умумтаълим мактабларида она тили таълимида нутқий компетентликка хос малака ва кўникмаларни тарбиялашга, мулоқот қила олиш даражасини эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги пайтда умумтаълим мактаби ўқувчиларини ўқитишнинг фаол жараёнига жалб қилиш жиддий масала бўлиб, унинг ижобий амалга ошиши ҳар жиҳатдан ўз она тилини қай даражада ўзлаштиришига боғлиқдир. Мисол учун, ўз она тилини мукаммал билмай туриб, замонамизнинг асосий таълим талабларидан бири бўлиб келаётган жаҳон тиллари қаторидан ўрин олган бирор-бир хорижий тилни ўзлаштириш ёки IT (Information technology) соҳасини чуқур эгаллашга қўл уриб бўлмайди.

Бу хусусда “Чет тили дарсларида ўқувнутқий вазиятлардан фойдаланиш” китобида шундай ёзилади: “Чет тилларга ўқитиш жараёнида ўқувчиларга мустақил ишлаш ва мулоқотнинг янги вазиятларида улар ўзлаштириб олган билимлар, кўникма ва малакаларни ижодий қўллашни сингдириш зарур” [8. Б. 6].

Ёки юқорида келтирганимиз IT сўзи билан нималарни боғлашимиз мумкин?

– Мулоқот пайтида (ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, электрон почта, чат...);

– ахборот олиш чоғида (хабарлар, об-ҳаво маълумотлари...);

– ахборотни қайта ишлашда (математик амалларни бажарувчи дастурлар, графиклар, видео, ёзув...);

– ўқиш жараёнида (электрон китоблар, интерактив дарслар, қўлланмалар...);

– дам олишда (кинолар, мусиқалар, ўйинлар...) [9].

Демак, ҳаётимиз шу сўз билан боғлиқ экан.

Кўриниб турибдики, нутқий мулоқот билан боғлиқ масалаларни таълимнинг бошқа фанлари билан интеграциялаштирибгина қолмай, балки бугунги куннинг долзарб тармоқлари билан ҳам алоқасини ўрганиш жоиз.

Шу боисдан ҳам умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг нутқий мулоқот жараёнига

нафақат эътибор бериш, балки жиддий назорат этиш ҳам она тили таълимининг асосий диққат марказида бўлиши лозим. Акс ҳолда кишилар ўртасида келиб чиқадиган низолар, жанжаллар, аввало, мулоқот жараёнида бир-бирини тушунолмасликлари ёки вазиятни яхши тушунтириб бера олмасликлари орқали ҳам келиб чиқади. Баъзан эса низо ва зиддиятларнинг ечими ҳам айнан мулоқот орқали ҳал этилиши мумкин.

Инсонлар бир-бирини тўғри англаши идрок (асосий билиш) соҳасига алоқадор, бир-бирини тушуниши эса уларнинг тафаккур соҳасига алоқадор мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига кира олган ҳисобланади. Яъни, унда эмпатия – бировларнинг ҳиссий кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, “кўпни кўрган” шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин [10. Б. 68].

Шу ўринда нутқий мулоқотнинг таркибий қисмлари сифатида қуйидаги жиҳатларни санаб ўтиш керак:

а) коммуникатив – ахборотни узатиш;

б) интерактив – ҳамкорликда ҳаракат қилиш;

с) перцептив – биргаликда идрок этиш.

Она тили таълимида юқорида келтирилган учала босқичда ҳам нуқсонлар кузатилиши мумкин. Мулоқотнинг дастлабки босқичи сифатида коммуникатив жараённи олсак, ўқитувчи бирон-бир мавзуни тушунтирар экан, энг аввало, коммуникатив (ахборот узатиш) мақсадни олдига қўяди. Ва ўқувчилардан интерактив ҳаракатлар (ҳамкорликда ҳаракат қилиш)ни талаб қилади. Чунки “қарс икки қўлдан чиқади” деганларидек, натижага эришиш учун мулоқотга киришаётган билим берувчи ҳам, билим олувчи ҳам биргаликда ҳаракат қилиши шарт. Ўқитувчи турли саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилади ва шу орқали уларни тегишлича баҳолайди. Аксарият ўқувчилар бу борада ўз фаолликларини кўрсатадилар, бироқ шундай ўқувчилар ҳам борки, улар учун дарсда қўл кўтариб жавоб бериш ниҳоятда мушкул иш. Мажбуран турғизилган ўқувчи коммуникатив босқичдаёқ нутқ сўзлашга нўноқлигини исботлайди.

Ёки ҳар икки томон ҳам биргаликда (интерактив) ҳаракат қилди ҳам дейлик, аммо билдирилаётган фикрни биргаликда идрок этмас экан, моҳиятни бирдек англамас экан (яъни содда қилиб айтганда, қўштирноқ ичида тушунчаларда “бири тоғдан келса, бири боғдан келиши” назарда тутилмоқда), бу ҳолда мулоқотнинг перцептив жиҳатига путур етади.

Бу эса ўқувчининг дарсни яхши ўзлаштира олмаётганидан дарак беради. Агар мулоқот жараёнида мана шу жиҳатларга бепарволик билан қаралса, натижада бир-бирини англамаслик юзага келади. Натижада мантиқсизликка, тушунмовчиликларга ва яна бир қатор салбий оқибатларга сабаб бўлиши табиий.

Шундай экан, ҳар қандай ўйланмай айтилган нутқда, албатта, мантиқсизлик юзага келиши мумкин. Бу тўғрида Алишер Навоий:

Сўзни кўнгулда пишқормагунча тилга келтурма,

Ҳар неки кўнгулда бор, тилга сурма, – дея таъкидлаган.

Айни мана шу нутқий муаммоларнинг ечимини излашда ўқитишнинг анъанавийликдан ноанъанавийликка ўтиш тамойилидаги интерфаол усуллар “лаббай” деб жавоб беради.

Интер инглиз тилидаги “интер” олд қўшимчасидан иборат бўлиб, у том маънода ўзаро таъсир, йўналганлик маъносини англатади. Бу ерда *интер* сўзи кенг доирада, халқаро миқёсдаги таъсир, ҳаракат, йўналганлик мазмунига эга. Интерфаол атамасига келсак, у “interactiv” яъни кенг халқаро миқёсдаги ҳаракат фаоллигини билдиради. Лотинча *интер* сўзининг маъноси – ички потенциал имконий қувват дегани [11. Б. 128]. Мулоқот ҳам диалог ёки полилог шаклида амалга ошадиган фаол ҳаракатдир. Бунда, албатта, мулоқот иштирокчиларининг ички потенциал имконий қуввати мулоқотнинг юзага чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

Она тили дарсларидаги интерфаол усуллар ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий тафаккурини ривожлантириш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда нутқ вазиятига мос равишда равон, тўғри ва бенуқсон ифодалаш, ўзгаларнинг тафаккур маҳсулини тўғри англаш кўникма ва малакасини юксалтиришга хизмат қилади. Бу йўлдаги энг асосий мақсад эса ўқувчиларнинг коммуникатив (мулоқот) компетенциясини ривожлантиришдан иборатдир.

Мулоқот компетенциясини ривожлантиришда, албатта, бизнинг сезги ва нутқ аъзоларимиз фаол иштирок этади. Мулоқот қилишда нутқ техникасини эгаллаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларга бу ҳақда билим

беришда санъатшунос олима Г.Холиқулованинг қуйидаги фикрларини эслаш ўринли. Олиманинг таъкидлашича, тренинг-машғулот нафақат нафас учун ва, балки гавда эркинлигини таъминловчи машқлардан иборат бўлиб, нутқ эгасига мисли кўрилмаган нутқ техникаси билан бирга расо қомат тақдим етади. Бу машқлар ижрочининг қалбига, гавдасига, фикрига қанчалик эркинлик, хотиржамлик олиб келишини у фақат машқларни амалда бажарсагина сезиши мумкинлигини айтади [12. Б. 56].

Ўқитувчи она тилини ўргатишда нафақат грамматик қурилишга, қоида ва таърифларга, назарий маълумотларни ўзлаштиришга, балки унинг бой имкониятларидан фойдаланиб, тўғри ва равон фикр ифодалашга, олган билимларига таянган ҳолда тил малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Тил бўйича ўзлаштирилган билим кишига асқотиши учун у, албатта, малакага айланиши, мулоқот жараёнида, нутқида акс этиши керак. Акс ҳолда “устига китоб ортилган эшак” мисоли фойдасизлигича қолаверади. Психологларнинг фикрича, коммуникатив компетенцияни ривожланиши, унга ўқувчининг тайёргарлик ҳолати мотивацион, мослашиш, иродавий ва баҳолаш каби компонентлар орқали ифодаланади. Бу компонентлар ривожланганлик даражаси ва унинг намоён бўлиши ўқувчи тайёргарлик даражасини белгилайди. Аксинча, ўқувчида ушбу даражалар ривожланмаган бўлса, у малака ва кўникмаларнинг ўртача ва паст даражасини кўрсатади.

“Она тили” фанини ўқитишнинг илмий-методик асосларини, коммуникатив фаолиятни такомиллаштиришда ўқувчиларнинг тилга оид билимини баҳолаш методологияси асосида ишлаб чиқилган мулоқот қилиш моделини жорий қилиш орқали она тили таълими сифатини ошириш мақсадида қуйидаги ташкилий ва услубий шартлар белгилаб олинди:

- юқори синф ўқувчиларининг она тилидан олган кўникма ва малакаларини узвийлик асосида босқичма-босқич ўрганиш ҳамда уларнинг тил ўрганиш, сўзлаш қобилиятини дидактик, педагогик ҳамда психологик жиҳатдан ривожлантириш методикасини йўлга қўйиш ва шу асосда баҳолаш имкониятини амалга ошириш;

- самарали таъсир психологиясини амалга ошириш учун, аввало, ҳар бир ўқувчининг мантиқан асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиришга ўргатибгина қолмай, унинг тинглаш қобилиятига ҳам эга эканлигини, мулоқотдаги сўзларни ифода этишида она тилига мотивациясини ривожлантиришга йўналтирилган ностандарт методларни қўллаш асносида тренинг машғулотларида иштирок этишга йўналтириш;

- она тили фанининг ўзига хос хусусиятларини ва улардаги грамматик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга қаратилган инновацион педагогик технологияларни, эссе ёзиш ва уни ифода этиш каби ўқув топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;

- мулоқот жараёнидаги энг қимматли нарса – бу ахборотнинг ўзи бўлиб, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатиш, уни ифода этиш йўлларини мулоқот орқали кўрсатиб бериш.

- ўқувчига бериладиган билимлар ва ўқув-билув фаолияти мазмунини аниқлаш, психологик ҳолатларини ўрганиш ва тушуниш жараёнларида унинг иштироки орқали ўз-ўзини англаш, мулоқотга кириша олиши ўқувчиларда таълим технологиялари ва дарсдан ташқари ҳолатда ҳам фаол бўлишга ундаш кабилар.

Бунинг учун ўқувчиларга “Импровизация” деб номланган ўйин методини қўллаш ҳам уларнинг мустақил фикрлаш ва уни эркин баён қилиш кўникмасини ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур ўйин усули умумтаълим мактабларининг 9-синф дарслигидаги “Матн ва унинг мақсади” мавзусида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ўйиннинг моҳияти ва талаби ўқитувчи томонидан ўқувчиларга турли мавзуга оид сўзлар кетма-кетлиги тезлик билан берилганда, улар ўзларининг мавзуга оид тушунчаларини ўз ва кўчма маъноларини ҳозиржавоблик билан тўғри ифодалаб бериш-ларидадир. Масалан, “Вақт”, “Садоқат”, “Яхшилик”, “Нафс”, “Қарз”, “Лафз”, “Бешик”, “Ҳалоллик”, “Ризқ”, “Она”, “Мерос”, “Умид”, “Ишонч”, “Манфаат”, “Эрк”, “Иккиюзламалик”, , “Садақа”, “Ҳаё”, “Ҳурмат”, “Меъёр”, “Неъмат” ...

Бу каби сўзлар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга кетма-кетликда навбат билан берилади. Ўйин аввалида эса ушбу сўзларнинг кенг ва тор маъноларини ёритиб бериши кераклиги ва энг гўзал фикр ифодаси ўқувчилар томонидан аниқланиши айтиб ўтилади. Бунда ўқувчилар

мақоллардан ва ҳикматли сўзлардан ҳам ўринли фойдаланишлари мумкин. “Импровизация” методини дарс жараёнида қўллаганимизда 9-синф ўқувчиларидан қуйидаги жавобларни олдик. *Намуна:*

1-ўқувчи: **“Вақт”**

Инсон бутун умри давомида гоҳ шоншуҳратга эришади, гоҳ ёмон ишга қўл уриб гуноҳга қолади. Вақт – бу ғанимат. Бахтга эришиш учун қимматли вақтини йўқотмаслиги зарур. Биринчи бўлиб, ўзига ўзи савол бериши керак: “Мен вақтимни қандай ўтказяпман?”

Вақт инсон сарфлаши мумкин бўлган нарсаларнинг энг қадрлисидир. Йўқолган вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Уни умрини чиройли ўтказадиган амалларга сарфлаш керак, чунки вақт беҳисоб эмас. Шунинг учун ҳам аждодларимиз “Вақтинг кетди – нақдинг кетди” деганлар.

2-ўқувчи: **“Садоқат”**

Садоқат деганда, аввало, дўстга бўлган садоқатни тушунаман. Икки дўст ўртасидаги бир-бирига содиқлик, ишонч ҳар хил вазиятларда синалади. Бундай дўстларни “Орасидан қил ҳам ўтмайди” деб таърифлашади. Лекин кенг маънода садоқат тушунчасини оилага, Ватанга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ватанига, оиласига садоқатли бўлмаганларни хиёнаткор дейишади. Садоқатли инсонлар эса ҳар доим ҳаммага керакли инсонлардир. Бундай фазилатга эга бўлган Жалолиддин Мангуберди каби бу тўғрида ибрат бўладиган аждодларимиз жуда кўп.

Мазкур “импровизация”дан кўзланган мақсад:

– ўқувчиларни оммавий жалб қилиш;
– фикрлаш қобилиятларини янада ошириш;
– ҳозиржавобликка ундаш;
– сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларини англаш;
– диққатни жамлаш;
– яхши тингловчи бўлишга одатлантириш;
– ҳар қандай мавзуга оид субъектив муносабатларини бера олишдир.

Ўқувчиларни керакли билим, малака, кўникмалардан хабардор қилишда уларнинг нафақат нутқ маданияти, ҳатто бераётган ҳар бир топшириқ, вазифаларида ҳам қуйидаги хусусиятлар акс этиши лозим:

– нутқнинг аниқлиги;
– нутқнинг мантиқийлиги;
– нутқнинг софлиги (унинг турли шевалардан холи бўлиши), адабий тилда ифодалаш, вульгаризм (сўкишда қўлланиладиган сўзлар), варваризм (муайян миллат тилида баён этиладиган нутққа ўзга миллатларга хос сўзларнинг беўрин қўлланиши), концеляризм (ўринли бўлмаган вазиятларда расмий услубдан фойдаланиш) ҳамда жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисларига хос бўлган) сўзлардан холи бўлиши ва содда, равон, тушунарли жумлалардан иборат бўлиши керак.

Хулоса

Бугунги кунда ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган ёшлар ҳар жабҳада керак. Шундай экан, мазкур метод ўқувчиларнинг ҳозиржавоблик, эркин фикрлилик, яхши суҳбатдош бўлиш сифатларини оширишга бевосита хизмат қилади, деб айта оламиз.

Она тили таълимида юқори синф ўқувчиларининг “ўз фикрини саводли баён қила олишга қаратилган нутқий компетенцияни ривожлантириш; адабий тил меъёрларига риоя қилиш, услубий ранг-баранглиқдан фойдаланиш каби таянч компетенцияларини шакллантириш” вазифаларининг белгиланиши орфоэпик жиҳатдан оғзаки нутқнинг тўғри тузилишини ўзлаштириш билан боғлиқ методик ёндашувларни талаб этади. Зеро, тафаккур ва нутқни уйғун ривожлантириш масаласи ўқув материаллари мазмунининг асосий мақсадларидан биридир.

Тафаккур ва нутқ ўстириш жараёни бўйича таълим босқичларида узлуксиз иш олиб борилмаса, ўқувчилар нутқида тез-тез учрайдиган: сўзларнинг ноўрин қўлланиши; мавзунинг тўлиқ ёритилмаслиги; гапда сўзлар, матнда гапларнинг ўзаро боғланмаслиги; матн қисмлари ва улар ўртасидаги алоқадорликка оид билимларнинг камлиги (сарлавҳа, эпиграф, режа, кириш, асосий қисм, хулоса каби); сарлавҳа ёки режа тузишнинг тўғри танланмаслиги; дарс муаллифлари фикрлари билан чекланиш ҳолатлари каби муаммолар бартараф этилмайди. Шунинг учун ҳам она тили дарсининг, айниқса, ижтимоий-гуманитар фан эканлигига урғу берадиган бўлсак, аслида аниқ фанлардан биринчи навбатда инсон шахсининг комилликка эришиши учун хизмат қилиши билан фарқланади, дейиш мумкин. Бу эса кишилар кимлар билан

ва қандай муомалада бўлишига боғлиқ ҳолда шаклланади. Бу жараёнларда, албатта, ҳар бир мулоқот иштирокчиси ўз устида тинимсиз ишлаши, кўпроқ бадиий асар ўқиши, суҳбат жараёнида вазиятга тўғри баҳо бериши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. *Ғуломов А.Қ., Қобилова Б.Ш*. Нутқ ўстириш машғулотлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 160 б.
2.Умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури. Она тили (1–11-синф). 2020. – 164 б.
3. *Иноятов У., Ходжаев Б*. Умумтаълимий компетенцияларни лойиҳалаштиришнинг концептуал асослари // Халқ таълими, 2016. – № 2. – Б. 8–14.
4. *Абдурасулова У.С.* Она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий технологиялари: Педагог. фан. д-ри. ...дисс. – Наманган, 2020. – 150 б.
5. *Қаҳҳоров И*. Нотиқлик санъати 170 маслаҳат. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 216 б.
6. *Ниёзметова Р.* Тил – миллат руҳидир. [Интернет манба]. URL: https://xs.uz (Мурожаат этилган сана: 03.08.2022)
7. *Улуқов Н.* Лингвистик компетентликни шакллантириш омиллари. // Тил ва адабиёт таълими, 2018. – № 6. – Б. 6–17.
8. *Мусина З.М., Мирсоатова С.С., Устименко Г.М., Ага-мирзаева З.К.* Чет тили дарсларида ўқувнутқий вазиятлардан фойдаланиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 80 б.
9. *Мамуров С.* IT ҳақида бошланғич маълумотлар. [Интернет манба]. URL: https://www.Terabayt.uz. (Мурожаат этиган сана: 03.08.2022)
10. *Аҳмедова М.А*. Педагогик конфликтология. – Тошкент: Донишманд зиёси МЧЖ, 2020. – 304 б.
11. *Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуродова Қ.* Педагогика. – Тошкент, 2000. – 166 б.
12. *Холиқулова Г.* Саҳна асарларидаги қаҳрамон характерини талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти. – Тошкент, 2015. – 56 б.

INNOVATION-INTEGRATION APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF SPEAKING COMPETENCE OF STUDENTS

Sh.J. Yusupova[1], Sh.A. Khalikova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Series: Pedagogical Research. 2022. 6(66). 26–33.
[1,2]Andijan State Pedagogical Institute Uzbekistan, Andijan, 170100, str., Do'stlik, 4. (Uzbekistan). E-mail: andupi@edu.uz

Keywords: speech entrepreneurship, communication culture, communicative, interactive, perceptive, competence, improvisation.

This article highlights the importance of interactive methods as one of the effective ways for students to achieve oral communication competence. A game method called "Imp-rovisation" is mentioned, which has a positive effect on their independent thinking and the ability to express it freely. The purpose of this game is to: attract students in mass; further increase of thinking skills; urge to be present; understanding of literal and figurative meanings of words; concentration; getting used to being a good listener; is to be able to give subjective attitudes about any topic.

From the point of view of today's era, issues such as communication etiquette, speech responsibility, speech culture and increasing the efficiency of these processes have become the main problems of both linguistics and pedagogy. As a result, while the science of linguistics studies the issues related to the commonality of language and personality (anthropocentrism), dealing with the competence of students to use the language rationally and effectively in a specific speech situation is becoming one of the urgent issues of mother tongue education. In particular, the improvement of the quality of education has become the most important factor of the inevitable tasks. In particular, the fact that President Shavkat Mirziyoyev has set the main goal of creating the foundations of a new renaissance in Uzbekistan through educational reforms, that is, the foundation of the Third Renaissance, should not leave anyone involved in the field of education indifferent. The reforms being carried out in this regard will affect the activities of preschool education organizations to general education schools and higher education institutions.

Therefore, improving the quality of education in general education schools and universities, further improving the system of learning the mother tongue, especially developing the communication culture of students and pupils is one of the necessary issues.

Independent thinking young people are needed on all fronts. Therefore, we can say that this method directly serves to improve these qualities of students.

In the education of the mother tongue, the development of speech competence aimed at the ability of high school students to express their opinion literately; The determination of the tasks of "formation of basic competences such as following literary language standards, use of stylistic diversity" requires methodical approaches related to mastering the correct structure of oral speech from an orthoepic point of view. The issue of harmonious development of thinking and speech is one of the main goals of the content of educational materials.

References:

1. G‘ulomov, A.Q., Qobilova, B.Sh. (1995) *Nutq o‘stirish mashg‘ulotlari* [Speech development training]. Tashkent: O‘qituvchi.

2.Umumiy o‘rta ta’limning Milliy o‘quv dasturi. (2020) [National curriculum of general secondary education]. Mother tongue (grades 1-11).

3. Inoyatov, U., Xodjaev, B. (2016) Umumta’limiy kompetensiyalarni loyihalashtirishning konseptual asoslari [Conceptual basis of designing general educational competencies]. *Xalq ta’limi*. No 2. Pp. 8-14.

4. Abdurasulova, U.S. (2020) Ona tili ta’limida o‘quvchilarda morfologik kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirishning zamonaviy texnologiyalari: [Modern technologies of formation and development of morphological competence in students in mother tongue education]. The dissertation for Doctor of Pedagogical Sciences. Namangan.

5. Qahhorov, I. (2015) *Notiqlik san’ati 170 maslahat* [The art of public speaking 170 tips]. Tashkent: Turon zamin ziyo.

6. Niyozmetova, R. Til – millat ruhidir. [Language is the soul of a nation]. [Online]. URL: https://xs.uz (Date of Access: 03.08.2022)

7. Uluqov, N. (2018) Lingvistik kompetentlikni shakllantirish omillari. [Factors of formation of linguistic competence. Language and literature education]. *Til va adabiyot ta’limi*. No 6.Pp. 6-17.

8. Musina, Z.M., Mirsoatova, S.S. (et.al.) (1995) Chet til darslarida o‘quv-nutqiy vaziyatlardan foydalanish. [Use of educational and speech situations in foreign language classes]. Tashkent: O‘qituvchi.

9. Mamurov, S. IT Haqida boshlang‘ich ma’lumotlar. [Basic information about IT]. [Online]. URL: https://www.Terabayt.uz (Date of Access: 03.08.2022)

10. Ahmedova, M.A. (2020) Pedagogik konfliktologiya [Pedagogical conflictology]. Tashkent: Donishmand ziyosi MCHJ.

11. ‘aybullaev, N.R., Yodgorov, R., Mamatqulova, R. (2005) Pedagogika [Pedagogy]. Tashkent.

12. Xoliqulova,G. (2015) Sahna asarlaridagi qahramon xarakterini talqin qilishda zamonaviy kommunikativ texnologiyalardan foydalanish uslubiyati [The method of using modern communication technologies in the interpretation of the character of the hero in stage works]. Tashkent.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

ЮСУПОВА Шоҳидахон Жалолиддиновна – педагогика фанлари доктори, Андижон давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори.

ХАЛИКОВА Шаҳнозахон Азимжоновна – Андижон давлат университети педагогика институтининг Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси. E-mail: shahnozaxonxoliqova49@gmail.ru